

АХМЕДОВ Эргаш Кулдашевич
Тошкент кимё-технология институти
доценти в.б., PhD

ДЕСТРУКТИВ СЕКТАЛАРНИНГ ЁШЛАР МАЪНАВИЙ КАМОЛОТИГА САЛБИЙ ТАЪСИРИ

НЕГАТИВНОЕ ВЛИЯНИЕ ДЕСТРУКТИВНЫХ СЕКТ НА ДУХОВНОЕ РАЗВИТИЕ МОЛОДЕЖИ

NEGATIVE INFLUENCE OF DESTRUCTIVE SECTS ON THE SPIRITUAL DEVELOPMENT OF YOUTH

Аннотация. Ушбу мақолада деструктив секталарнинг хусусиятлари очиб берилган, ҳамда бундай секталарнинг ёшлар маънавиятига таъсири ҳақида фикр юритилган. Унда деструктив секта тушунчасига таъриф берилган ва бундай секталарнинг инсонлар ва жамият ҳаётига салбий таъсири ёритилган. Шунингдек, деструктив секталар ўзларининг миссионерлик фаолиятида ҳали онги етарли даражада ривожланмаган ва ҳаётий тажрибага эга бўлмаган ёшларга катта эътибор қаратаётганлиги, уларнинг онги, дунёқараши ва қалбини эгаллаш орқали маънавий жиҳатдан қарам қилишга интилиши хатарли тус олаётганлиги алоҳида таъкидланади. Ёшларнинг бундай секталар таъсирига тушиб қолиши нафақат уларнинг маънавий қашшоқлашувига, шунингдек, миллий маънавият таназзулига, тузатиб бўлмайдиган ижтимоий инқирозларга олиб келиши мумкинлиги айтилади.

Таянч сўзлар: секта, деструктив секта, тоталитар секта, миссионерлик, таҳдид, маънавий хавф, маънавий қашшоқлашув, қарамлик.

Аннотация. В этой статье раскрываются характерные черты деструктивных сект и анализируется влияние таких сект на духовность молодежи. В ней дается определение понятия деструктивной секты и освещается негативное влияние таких сект на жизнь людей и общества. Также отмечается, что деструктивные секты уделяют большое внимание молодым людям, у

которых еще недостаточно развито сознание и жизненный опыт в их миссионерской работе, их сознание, мировоззрение и желание сделать свою душу духовно зависимой путем приобретения одного становится рискованным. Говорят, что приобщение молодежи к подобным сектам может привести не только к их духовному обнищанию, но и к упадку национальной духовности, непоправимым социальным кризисам.

Ключевые слова: секта, деструктивная секта, тоталитарная секта, миссионерство, угроза, моральная опасность, духовное оскудение, зависимость.

Annotation. The article analyses the concept of a sect, reveals the characteristics of destructive sects and discusses the impact of such sects on the spiritual development of young people. It defines the concept of destructive sects and emphasizes the negative impact of such sects on people's lives and society. It also emphasizes that destructive sects in their missionary activities pay great attention to young people whose consciousness is not yet sufficiently developed and who have no life experience, and who seek to become spiritually dependent by capturing their mind, outlook and heart. It is said that involving young people in such sects can lead not only to their spiritual impoverishment, but also to the decline of national spirituality and irreparable social crises.

Keywords: Sect, Destructive Sect, Totalitarian Sect, Missionary, Threat, Moral danger, Spiritual Impoverishment, Dependency

КИРИШ

Глобаллашув жараёнининг авж олиши инсоният ҳаёт суръатларининг тезлашуви ва ривожланиши билан бир вақтда миллий маънавиятларнинг емирилиш жараёнини ҳам тезлаштирмоқда. Бугунги кунга келиб инсонлар кучли ғоявий, мафкуравий ва информацион таҳдидларга дуч келмоқда. Айниқса, деструктив секталарнинг ҳали мафкуравий иммунитети тўлиқ шаклланмаган ёшларга катта эътибор қаратиши истикболда миллатларнинг мустақил субъект сифатида сақланиб қолишига ҳам таҳдид солади. Ўзбекистонда ҳам миссионерлик фаолияти билан шуғулланаётган бузғунчи секталар ёшларни ўзлигидан махрум бўлган “манқурт” ёки ўз жамоасига сўзсиз итоат этувчи “биороботлар”га айлантириб, уларнинг устидан ўз назоратини ўрнатишга уринмоқда.

Ёшларнинг дин никобидаги секталар таъсирига тушиб қолиши миллий-маънавий тараққиёт учун жиддий хавф бўлиб, миллийликка дахлдорлик хисси йўқолган лоқайд инсонлар туфайли маънавий қашшоқлик кучаяди, фикр қарамлиги ортиб боради. Зеро, Ўзбекистон Президенти Ш.М.Мирзиёев: “Энг катта хавф – лоқайдлик ва бепарволик”[9] – деб таъкидлайди.

АСОСИЙ ҚИСМ

Деструктив секталарнинг миссионерлик ҳаракати асосан ёшларга қаратилганлиги сабабли уларни ўрганиш тобора долзарб бўлиб бормоқда. Маълум маънода, ёшлар мамлакат келажагини англатади, шунинг учун ёшларнинг кайфияти, хатти-ҳаракати, фаровонлиги жамиятдаги умумий ахлоқий, мафкуравий ва ижтимоий-психологик иқлимни ўлчайдиган барометрдир. Мамлакат тараққиётининг бугуни ва эртанги истикболи ёшларнинг қандай тарбия олишига боғлиқ бўлади. Чунки улар нафақат меҳнат ресурслари, шунинг билан бирга аждодлар давомчилари, келажакнинг бунёдкорларидир, шунингдек, давлат манфаатларини ҳимоя қилиш, унинг нуфузини янада ошириш ҳам уларнинг зиммасида бўлади.

Секталарнинг фаолиятини тадқиқ қилган олимлардан профессор А.Очилдиев ва Ж.Нажмиддиновлар “Диний секта деганда эътироф этилган йирик диний йўналишларнинг расмий ақидаларидан фарқли тарзда фаолият олиб борадиган диний гуруҳлар тушунилади. Шунингдек, ушбу тушунча мавжуд динлар ва конфессияларга умуман алоқаси бўлмаган ҳолда дин байроғи остида фаолият кўрсатадиган гуруҳлар тушунилади”[4, 21], - деган таърифни берса, М.Мусаев сектанинг вайронкор моҳиятига эътибор бериб: “...сектант ташкилотлар ўз аъзоларини эксплуатация қилувчи, манипулятив (инсонни бошқарувчи) воситаларни қўлловчи бузғунчи тузилмалардир”[2, 29], - деган фикрни илгари суради.

“Тоталитар секта” тушунчасининг бирмунча муваффақиятли таърифини профессор А.И.Осипов беради. Ушбу тадқиқотчининг фикрига кўра: “тоталитар культлар, деструктив ташкилотлар, деструктив секталар - бу бир хил

нарсанинг турли номларидир. “Тоталитар” сўзи таниш бўлиши керак. Бу тўлиқ, ҳар томонлама қамраб олишни англатади. Тоталитар секта - бу раҳбарларга бўйсунадиган, темир интизомга эга бўлган иерархик принцип асосида қурилган ташкилот. Ушбу ташкилот раҳбари, яширин ва аниқ психологик таъсир усулларида фойдаланган ҳолда, ўз ташкилотининг аъзолари руҳиятининг ўзгаришига эришади, уларнинг онги, хатти-ҳаракати ва турмуш тарзи устидан тўлиқ назоратни ўрнатади, бу уларга ташкилот аъзоларини қарамлик ҳолатида ушлаб туриш ва улардан ўзларининг худбин мақсадларида фойдаланиш имконини беради”[3, 42].

Келтирилган таърифларда умумийликни ифода эттирувчи жиҳатлар шундаки, секталар қайси кўринишларда намоён бўлишидан қатъий назар, анъанавий диндан ажратилиб чиққан, ёки уларга муҳолиф бўлган, қатъий тартибда назорат қилинувчи ёпик диний гуруҳдир. Одатда барча секталар ўз издошларини етакчига ва таълимотга сўзсиз бўйсинадиган қилиб сақлашда уларнинг маънавий оламига, ҳис-туйғуларига ва жисмоний ҳолатига йўналтирилган яширин психологик зўравонликни амалга оширади. Деструктив секталар ўз аъзоларининг ихтиёрий розилигисиз, уларнинг онги, ҳиссиётлари ва иродаларига яширинча, ҳар томонлама таъсир кўрсатади, онгнинг энг чуқур бурчакларига ҳам кўпол равишда бостириб киришади, ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқидан маҳрум қилишади. Шунингдек, бундай секталар жамиятда ўрнатилган ижтимоий меъёрлар, тартиб ва маданиятга қарши йўналтирилган тажовузкор ҳаракатларни амалга оширади, хатто оилани ўзларига душман деб билади. Шу сабабли, адептларга танлов қилиш ҳуқуқини бермайдиган, руҳий ва жисмоний соғлиғига зарар етказадиган, сохта дин хусусиятларига эга бўлган деструктив секталар жамият барқарорлигига таҳдид солади.

Замонавий дунёдаги “янги диний ҳаракатлар” деб номланган аксарият қисми тоталитар хусусиятга эга, яъни улар инсон шахсиятига таҳдид солади. Тоталитар секталар одамнинг фикрлари, ҳис-туйғулари ва хатти-ҳаракатларини назорат қилиш ва унинг иродасини сусайтириш учун махсус психологик усуллардан фойдаланади. Бундай усуллар

шахсни ақлий (сектага алоқадор бўлмаган барча билим соҳаларининг қашшоқлиги), рухий (шахснинг бузилиши, хулқ-атвори ва танқидий фикрлаш қобилияти), ижтимоий (мулоқот қилиш қобилиятини пасайтириш, жамиятга нисбатан душманлик кайфияти) ва жисмоний (тўйиб овқатланмаслик, етарлича ухлмаслик, машаққатли меҳнат) жиҳатдан вайрон қилишга йўналтирилган[6].

Барча тоталитар секталарда мақсад маблағни оқлайди деб ҳисоблангани боис, улар шахсий манфаатларини қонундан устун қўйишади. Уларнинг барчасига “икки ёқлама ахлоқ” ва “икки ёқлама меъёрлар” хосдир. Агар секта аъзолари ўз олдиларига қўйган мақсадлари “тўғри” ва “адолатли” эканига ишонишса, ёлғон гапириш, ўғирлик, одамларни чалғитиш, ўз гуруҳдошларининг онгини назорат қилиш, ўзларининг фаолиятига қаршилиқ кўрсатган мансабдор шахслар ва жамоат арбобларига туҳмат уюштириш, ҳатто йўлларига тўсиқ бўлаётган одамни ёки одамлар гуруҳини йўқ қилиш каби жирканч ишлардан ҳам қайтишмайди. Бундан кўринадики, секталар ўз раҳбариятига сўзсиз буйсунадиган ва унинг топшириқларини муҳокамасиз бажарадиган жиноий тузулмалардан фарқ қилмайди[1, 152 б.].

Ноанъанавий диний ҳаракатларнинг замонавий рус жамияти маънавий хавфсизлигига деструктив таъсирини ўрганган тадқиқотчи А.Н.Сироваткин: “Бундай ҳаракатларнинг пайдо бўлиши учун диалектик зарурат мавжудлигини таъкидлаб, уларнинг аксарияти ҳалокатли эканлигини ва рус жамиятининг маънавий хавфсизлигига таҳдид солишини ҳисобга олмаслик мумкин эмас”[7, 36.], – деган фикрни билдиради. Профессор В.Чернишев: “Кўплаб бузғунчи секталарнинг таълимоти ва фаолияти инсоннинг маънавий ҳаётига салбий таъсир кўрсатмоқда”[8],– деб таъкидлайди. Таҳлилчи И.Полонскийнинг фикрига кўра: “Секталардан миллий маданиятни йўқ қилиш учун фойдаланиши мумкин. Ҳеч кимга сир эмаски, бирор секта ёки диний оқим сафига қўшилган одам ўзини миллий ҳамжамияти билан боғлиқ деб ҳисобламайди. Секта нафақат унинг оиласи ўрнини, балки ўз халқи, миллати, ватанининг ўрнини эгаллайди”[5].

Ленинград ва Ладога митрополити Иоанн (Иван Матвеевич Снычёв)нинг таъкидлашича, маънавий тоталитаризмнинг мақсади ҳам худди сиёсий тоталитаризмники каби одамлар устидан ҳукмронликни қўлга олишга қаратилган, фақат буни диний ақидалар ёрдамида амалга оширади[8]. Дарҳақиқат тоталитар секталарнинг миссионерлари қандай бўлмасин, давлатнинг, миллатнинг келажаги бўлган ёшларни бузиш, тўғри йўлдан адаштириш ва шу тариқа мамлакатни маънавий таназзулга учратиш оқибатида маънавий тоталитаризмни ўрнатишга уринмоқда.

Деструктив секталарнинг ўзига хос хусусияти улар фаолиятининг жамиятни ижтимоий ўзгартиришга йўналтирилганлигидир. Бундай секталарнинг лидерлари жамият кайфиятидаги ўзгаришларни, бу “ўткинчи дунё”нинг нуқсонларини фош қилиб, ўзларини “халоскор”, юксак ахлокли “ҳақиқатгўй” сифатида кўрсатадилар. Барча секталарнинг “инсониятни яхши томонга ўзгартириш” ва идеал жамиятни яратиш бўйича ўз фарзлари мавжуд. Одатда, “нажот”нинг барча моделлари бутун инсоният ушбу секта аъзолари тарғиб қилаётган “маънавият” ва дунёқараш шаклига ўтишидан иборат. Ушбу жараёнда деструктив секталар ёшларни сафларига жалб қилмасдан туриб ўз мақсадларига эриша олмайди. Бу ёшларнинг фаоллиги билан, шунингдек уларнинг истикболи билан ҳам боғлиқдир. Ёшлар жамият ҳаётида етакчи ўринга эга бўлган ижтимоий гуруҳ ҳисобланади. Ўзбекистон Президенти Ш.М.Мирзиёев қайд этганидек: “Бугунги дунё ёшлари – сон жиҳатидан бутун инсоният тарихидаги энг йирик авлоддир, чунки улар 2 миллиард кишини ташкил этмоқда. Сайёрамизнинг эртанги куни, фаровонлиги фарзандларимиз қандай инсон бўлиб камолга етиши билан боғлиқ”[10]. Ёшларнинг фаоллигини тўғри йўналтириш жамият ва мамлакат ҳаётидаги бунёдкорлик ва тараққиётга хизмат қилса, уларга эътиборсизлик, ўз ҳолига ташлаб қўйиш уларнинг турли диний ва сиёсий оқимлар томонидан илгари сурилаётган ғоялар ҳамда чакриқларга эргашиб кетишига олиб келади. Айнан шунинг учун деструктив секталар ўзларининг миссионерлик ҳаракатларида

ёшларга катта эътибор қаратади. Уларни маънавий жиҳатдан қашшоқлаштириб, ўзларига итоат эттириш оқибатида келажакда бутун дунёда хукмронликни ўрнатиш мақсадини кўзлайди.

Деструктив секталарнинг миссионерлик ҳаракатлари авж олиши шароитида миллий-маънавий хавфсизликни таъминлаш эҳтиёжи ортиб бормоқда. Бунинг учун, аввало, ёшлар маънавиятини ривожлантириш, мафкуравий иммунитетини мустаҳкамлаш зарур бўлади. Чунки маънавияти қашшоқ инсонларнинг деструктив секталар томонидан амалга ошириладиган миссионерлик ҳаракатларининг мазмун-моҳиятини, ундан кўзланган мақсадлар ва кимларнинг манфаатларига хизмат қилишга қаратилганлигини таҳлил қилишга салоҳияти етмайди. Бунинг оқибатида улар ушбу секталар томонидан тарғиб қилинаётган ёт ғояларга қўшилиб кетиши мумкин.

Деструктив секталарнинг ёшлар маънавиятига таъсири куйидагиларда намоён бўлади: Биринчидан, бундай секталар анъанавий динлардан фарқли ўларок, ёшларнинг исёнкор руҳига мос келадиган, уларни ўзига ром қиладиган “жозибатор” ҳаёт тарзини тарғиб қилади. Ёшларнинг етарли ҳаётий тажрибага эга эмаслиги, иқтисодий жиҳатдан юқори даражада ривожланган ғарбона яшаш тарзига мойиллиги уларни секталарнинг тарғиботига қизиқишини кучайтиради, ёлғонларга ишонтиришга имкон яратади. Шу маънода бу ҳолат секта миссионерларининг ёшлар онги, дунёқараши ва қалбини эгаллашлари учун осон кечилини таъминлайди.

Онг, дунёқараш ва қалбнинг секталар хоҳиш-иродасига бўйсунishi эса ҳар қандай ёшни ўзгалар измидан юришларига олиб келади; иккинчидан, турли бузғунчи секталарнинг миссионерлари ёшларнинг ахлоқий, руҳий ва маънавий оламига осонгина кириб боришининг яна бир жиҳати шундаки, миллий тарбиянинг бугунги шиддатли тараққиёт даражаларидан ортда қолаётгани, ёшларнинг ўзгараётган замон талаблари даражасидаги эҳтиёжларини қондиришда ва уларни ўзига жалб қилишда оқсаётганлиги ҳам шароит яратмоқда; учинчидан, ёшларга хос тақлидчилик руҳиятининг устиворлиги, медиасаноат

маҳсулотлари ёки интернетда нимани кўрса, ўшанга тақлид қилишга мойиллигининг кучлилиги ҳам уларнинг секталар томонидан билвосита амалга оширилаётган миссионерлик ҳаракати тузоғига илиниб қолишларига олиб келмоқда. Бу ҳолатлар ёшларни сохта дин, сохта маданий тараққиётлар ва бошқа сохта мақсадлар ортига яширинган секталарга жалб қилиш имкониятини кенгайтирмоқда.

Шундай қилиб, ёшлар онги, дунёқараши ва қалбини деструктив секталар томонидан эгаллашда миссионерлик ҳаракатининг “жозибатор” ҳаёт тарғиботи, унга қарши тура оладиган миллий тарбиянинг бугунги ёшлар эҳтиёжларини қондиришда ва уларни ўзига жалб қилишда оқсаётганлиги ва ёшларга хос бўлган тақлидчилик руҳиятининг мавжудлиги кабилар деструктив секталарнинг улардан фойдаланишлари учун катта имкониятларни юзага келтирмоқда. Ёшлар ўртасида бундай ҳолатнинг кучайиши бир томондан ёшларнинг ўзлари, уларнинг баркамол инсон бўлиб ўсишлари учун катта тўсиқ бўлса, иккинчи томондан миллатнинг истикболи ва мамлакат барқарорлигига ҳам катта таҳдид ҳисобланади.

Деструктив секталар таъсирига тушган ёшларнинг маънавий ҳамда жисмоний соғлиғига ва шахсиятига ваъзхонлик, урф-одатлар, маросимлар никоби остида яширин руҳий зўравонлик ва онгни бошқариш натижасида зарар етказилади. Маълум психотехник усуллардан фойдаланиб бошқариладиган одамларнинг розилигисиз уларнинг руҳияти ва хатти-ҳаракатларини қасддан мажбуран бошқариш миссионерлар томонидан худбин мақсадларга эришиш учун амалга оширилмоқда.

Профессор М.Сингерс секталарда амалга оширилаётган тафаккурни дастурлаш жараёнининг олти асосий принципини шакллантиради: 1) одамни нималар бўлаётганидан ва вақт ўтиши билан қандай ўзгариб боришини билмаган ҳолда ушлаб туриш; 2) шахсий ижтимоий ва жисмоний муҳитини назорат қилиш, айниқса, шахсий вақтини бошқариш; 3) инсонда тизимли равишда ёрдамга мухтожлик ҳиссини яратиш; 4) мукофотлаш, жазолаш ва тажриба тизимини бошқариш орқали шахснинг ўтмишдаги ижтимоий ўзига хослигини акс эттирувчи хатти-ҳаракатларига

тўсқинлик қилиш; 5) гуруҳ мафкураси ёки эътиқод тизимини шунингдек, гуруҳ томонидан қўллаб-қувватланадиган ҳатти-ҳаракатларни тарғиб қилиш учун мукофотлар, жазолар ва тажриба тизимини бошқариш; 6) қарши фикр билдиришга имкон бермайдиган ва етакчи томонидан тасдиқланмасдан ўзгартиришга қодир бўлмаган, ёпиқ мантиқ тизими ва авторитар тузулмада ишлаш[11].

Дарҳақиқат, тақиқларнинг кенг қамровли тизими ёрдамида секта аъзоларининг бутун ҳаёти энг кичик тафсилотларга қадар тартибга солинади, у билан дунёнинг қолган қисми ўртасида бегоналаштириш девори ўрнатилади. У раҳбарларига тўлиқ бўйсундирилади, ўқиш ёки ишини тарқ этишга, қариндошлари ва дўстлари билан муносабатларни узишга, ўз ҳаётини сектага бағишлашга мажбур бўлади. Шу тариқа беғубор ёшлар замонавий қулларга айлантирилмоқда.

Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятидаги олий таълим муассасалари ҳамда умумтаълим мактабларининг ўқитувчилари ва юқори синф ўқувчилари орасида ўтказилган социологик сўровларда иштирок этган 1018 нафар респондентларнинг 41,6 фоизи “Сизнингча диний секталар фаолиятида миллий маънавиятимизга нисбатан хавф мавжудми?” деган саволга “Жавоб беришга қийналаман” деган жавобни белгилаши катта ташвиш уйғотади. Ушбу ҳолат дин ниқобидаги секталар фаолиятини чуқур ўрганиш, миллий маънавиятга таҳдид сифатида намоён бўлиш хусусиятлари аниқлаш ҳамда уларнинг ёшлар маънавий камолотига таъсирини очиқ бериш заруриятини келтириб чиқаради.

Шунингдек, “Нима учун диний секталар миссионерлик ҳаракатида асосан ёшларга эътибор қаратишади?” – деган саволга респондентларнинг 54,7 фоизи “Хаётий тажрибаси кам ва ишонувчан бўлгани ҳамда келажакнинг эгалари айнан ёшлар бўлгани учун”, 23,3 фоизи – “Ёшларни алдаш осон бўлгани учун”, 10,7 фоизи – “Ҳуқуқий билимлари кам бўлгани учун” деган жавобларни белгиллаган бўлса, қолган 11,3 фоиз иштирокчи – “Бошқа сабаб” деб қайд этишади.

Респондентлар томонидан берилган жавоблардан қуйидаги хулосаларни чиқариш

мумкин: биринчидан, аҳолининг катта қисми деструктив секталар фаолиятидан хабардор ва уларнинг миссионерлик ҳаракатидан кутиладиган таҳдидлар ҳақида маълум даражада тасаввурга эга; иккинчидан, улар орасида дин ниқобидаги секталар фаолиятининг салбий томонига етарлича баҳо бермаётганлари ёки ушбу жараёнларга бепарво бўлганлари ҳам борлигини қайд этиш мумкин. учинчидан, респондентларнинг аксарияти дин ниқобидаги секталар миссионерлик ҳаракатида асосан ёшларга эътибор қаратишини эътироф этмоқда. Бу миллий-маънавий тараққиёт учун жиддий хавф бўлиб, ёшларнинг деструктив секталар таъсирига тушиб қолиши туфайли маънавий қашшоқлик кучаяди, фикр қарамлиги ортиб боради. Ушбу ҳолат фуқароларнинг мафкуравий иммунитетини ва миллийликка дахлдорлик ҳиссини ошириш долзарб вазифалардан бири эканлигини кўрсатмоқда.

Ёшлар маънавияти жамият маънавиятининг таркибий қисми эканлигини ҳисобга олганда турли деструктив секталар томонидан амалга оширилаётган миссионерлик ҳаракатининг ёшлар онги, дунёқараши ва қалбини эгаллаши жамият ҳамда мамлакатда тузатиб бўлмайдиган кенг маънодаги маънавий инқирозни ҳам вужудга келтиради. Ёшларнинг деструктив секталар таъсирига тушиб қолишининг кўпайиши жамият барқарорлигига, мамлакат хавфсизлигига нисбатан таҳдидларнинг юзага келишига олиб келади. Деструктив секталар томонидан тарғиб қилинаётган ғоя ва ақидалар ёшлар онги ва қалбидан ўрин олгудек бўлса, эътиқод даражасига кўтариладиган бўлса, миллий маънавият барбод бўлади, охири-оқибатда миллат ўзгаларга қарам бўлиб қолади.

Хулоса қилиб айтганда, деструктив секталар халқларнинг миллий ва диний негизларидан жудо қилиб, унинг ўрнига ўзларининг эътиқоди, ғоя ва қарашларини инсонлар онига сингдирмоқда. Натижада, миллий-маънавий тараққиётга, жамият хавфсизлиги ва мамлакат барқарорлигига таҳдид солмоқда. Афсуски деструктив секталар таҳдиди ва оқибатларини ўз вақтида англаш мураккаб ҳисобланади. Чунки секталарнинг миссионерлик ҳаракати тўғридан-тўғри очикчасига хужум қилмайди, балки зимдан ҳаракат қилиб дастлаб онг ва

дунёқарашни заифлаштиради, инсонларнинг диний эътиқодига таъсир ўтказиб уларнинг руҳиятини забт этади, ундан кейин эса асосий мақсадни амалга оширишга киришади. Ушбу жараён аста-секинлик билан амалга оширилади ва охир-оқибатда инсонлар, айниқса ёшларнинг маънавий камолотига жиддий хавф солади. Шунинг учун ҳам, четдан кириб келаётган эътиқод ва маданиятни тарғиб этадиган, миллий маънавиятга раҳна солиш орқали миллий ўзлиқни англашга путур етказадиган деструктив секталарнинг таҳдидидан ёшларни хабардор қилиш зарур. Бунинг учун таълим ва тарбия ишларини оқилона йўлга қўйиш, айниқса, миллий тарбияни тобора авж олаётган таҳдидларнинг олдини олишга қодир бўладиган даражада ташкил этиш ва уни амалга ошириш керак. Чунки миллий тарбия миллатни асраб қолишнинг муҳим омилларидан бирidir.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Дворкин А.Л. Сектоведение. Тоталитарные секты. Опыт систематического исследования. Нижний Новгород, 2002.
2. Мусаев М. Тоталитар секталарнинг ғоявий-мафкуравий таъсири ва бузғунчилик фаолияти оқибатлари // Qalqon, №9, 2014 й.
3. Осипов И.А. Тоталитарные секты: технология обмана. Мн.: Белорусский экзархат – Белорусская Православная Церковь, 2000.
4. Очилдиев А., Нажмиддинов Ж. Миссионерлик: моҳият, мақсадлар, оқибатлар ва олдини олиш йўллари (юз саволга – юз жавоб) –Т.:“Тошкент ислом университети”, 2013.
5. Полонский И. Секты как угроза национальной безопасности России. Военное обозрение. // <https://www.topwar.ru/82297-sekty-kak-ugroza-natsionalnoy-bezopasnosti-rossii>
6. Секты и методы вербовки. Что такое секта? // <https://pravbeseda.ru/library/index.php?page=book&id=535>
7. Сироваткин А.Н. Деструктивное влияние нетрадиционных религиозных движений на духовную безопасность современного российского общества // диссертации на соискание ученой степени кандидата философских наук:09.00.11 – Пятигорск, 2013.
8. Чернишев В.Секта и личность: психологические механизмы влияния // <https://pravlife.org/ru/content/sekta-i-lichnost-psiologicheskie-mehanizmy-vliyaniya>
9. Мирзиёев Ш.Энг катта хавф – лоқайдлик ва бепарволик // http://uza.uz/uz/posts/shavkat-mirziyoev-eng-katta-xavf-loqaydlik-va-beparvolik_235418
10. Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев БМТ Бош Ассамблеясининг 72-сессиясида сўзлаган нутқи // <http://uza.uz/uz/politics/zbekiston-prezidenti-shavkat-mirziyeev-bmt-bosh-assambleyasi-20-09-2017>
11. Dr. Margaret T. Singer's 6 Conditions for thought reform // www.csj.org/studyindex/stadymindctr/stady_mindctr_singer.html